As a result of the monitoring carried out by the Ministry of Agriculture of the Republic of Karakalpakstan and the Departments of Agriculture of the regions on the planting of agricultural crops planned for the harvest of 2021, there were identified cases of non-planting of planned agricultural crops on 64,256 hectares of land in 6,104 cases, planting other crops and

A total of 126 newsletters, references and

---

submissions were made to the authorities and law enforcement agencies to eliminate these identified cases.

Also, 66 references were made to the authorities and relevant authorities on cases of arbitrary seizure, unauthorized housing and non-residential buildings and construction of fish ponds and lakes on 3,038 hectares of land in 1,170 cases of violations of the land law identified as a result of monitoring.

Measures taken on cases of land violations:

In the field of agricultural land use, administrative cases were considered and a fine was imposed on 317 offenders. For reference: a total of 1 billion against offenders. 247 million. A fine of 940 thousand soums was established, of which 224 million were paid. Fines in the amount of 610 thousand rubles were charged.

Law enforcement agencies were provided to take action by legal entities and individuals in a total of 61 cases that caused arbitrary land agricultural treatment by calculating the amounts of damage to 114 billion 288 million 600 thousand soums on 167.8 hectares of agricultural land.

As a result of the measures to protect the agricultural lands transferred from Tashkent region to Tashkent, 295 hectares of violations were identified in a total of 181 cases, and information was introduced to the Tashkent regional and Tashkent City Halls for elimination, as well as to the prosecutor general's office for legal measures;

According to the results of the monitoring of agricultural crops carried out in the Republic of Karakalpakstan and regions, in 11,472 cases, 73,867 hectares of planned crops were not planted or replaced with other crops, and references were made to the Council of Ministers of the Republic of

Karakalpakstan and the regional authorities in this case.

126 references to identified cases of planned agricultural crops and 66 references to land violations were included in local authorities and competent authorities.

The following control measures were carried out in 2021 by inspectors carrying out land and cadastral control of the cadastral agency under the Tax Committee of the Republic of Uzbekistan.

In particular, in a total of 16,893 ha cases in the Republic, it was found that 2,541.3 hectares of land were arbitrarily occupied. Of this, 8,823 ha of agricultural land accounted for 2,013.7 hectares (of which 1,245.1 hectares of irrigated arable land in 5,326 ha) [12].

The above examples also show that the implementation of control in the field of agricultural land protection requires a rich scientific experience created on the basis of scientific research in this regard, as well as the adaptation of current legislation to one another. Because the provision of a comfortable life for today and the future generation is largely and in many respects inextricably linked with the rational use of natural resources, including land intended for agriculture, and their effective protection.

The importance of Environmental Control in the field of land protection for agriculture is that, firstly, it forms a database on the implementation by legal entities and individuals of the provisions of legislation in this area, secondly, the level of enforcement of special rules and requirements is assessed, appropriate legal action measures are taken, and thirdly, most importantly, it serves to prevent violations.

---

### References:

1. Land Law: Textbook. / Bogolyubov S.A., Galinovskaya E.A.; ed. Bogolyubova S.A. – M.: TK Velbi, Prospect Publishing House, 2014. – pp. 238-239.
2. Kalanov B.H. Legal problems of State Environmental Control in the Republic of Uzbekistan.. science. diss to obtain a degree... abstract.- T, 2004. - 10-11 p.
3. The right to ecology. Textbook. Team of authors / / responsible editors: doctor of Legal Sciences, professor J.T.Kholmominov. Tashkent: TDYU, 2018. - 104 p.
4. Brinchuk M.M. Environmental law. --M.: JURIST. 2004. – P.335.
5. Petrov V.V. Environmental law of Russia. Textbook for universities. – M.: “BEK”, 1995. – P.239.
6. Environmental law of Russia. / Ed . Ermakova V.D., Sukhareva A.Ya.– M., 1997. – p.320.
7. Golichenkov A. K. Environmental control: theory, practice of legal regulation. – M., 1992.-p. 73.
8. Land law of Russia. Textbook. Kol.auth. M.: “Bylina”, 1997. – p.181-182.
9. Land law of Ukraine: Textbook. Stipend. / Author. Col.: Refugee A.M., Berdnikov E.S., Bondar L.A., etc.; Ed. Pogrebny A.A., Karakasha I.I. – K.: Istina, 2002. - p.437.



# O'SIMLIKCHILIK MAHSULOTLARI ULARNI YETISHTIRISHDA INNOVATSIYALARNING NAZARIY ASOSLARI VA TASNIFLANISHI

Pirimqulov J. P

QarMII tayanch doktoranti.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsiyalarning o'rni va ahamiyati haqida so'z boradi. Shuningdek, xorij hamda mahalliy olimlarning mavzuga oid ilmiy ta'riflari umumlashgan holda o'simlikda innovatsiyalar tavsiflanadi.

**Tayanch iboralar:** o'simlik, innovatsiya, intensiv, ekstensiv, hosildorlik.

**Kirish.** Hozirgi kunda dunyo bo'ylab kechayotgan iqlim o'zgarishi insonlarning yaqin o'n yilliklarda oziq-ovqatga bo'lgan ehtiyojini keskin darajada o'sishiga va cheklangan tabiiy resurslar uchun raqobat kurashining globallashuviga olib keladi. Bu esa insonlarning o'zgarishlarga moslashishi hamda bunday o'zgarishlar jarayonini maksimal darajada yumshatishni talab etadi. Bu esa qishloq xo'jaligida kechiktirmagan holda dunyodagi kambag'al aholining ehtiyojlariga ko'proq e'tibor qaratish imkonini beruvchi innovatsion ishlab chiqarish hamda fan-texnika yutuqlari bo'lmish yangi ishlanmalarni sohaga tezroq tatbiq etib, mavjud resurslardan oqilona foydalanishni va ehtiyojlar ketma-ketligini yuqori darajada qondirishni amalga oshirish zarurligini ko'rsatadi. Innovatsiyalar, aytib o'tilganidek, o'sib borayotgan ehtiyojni qondirish hamda o'simlikchilik mahsulotlarini barqaror ishlab chiqarish, yuqori darajada ishlov berish, taqsimlash va iste'mol qilishni, chiqindilarni qayta ishlashni hamda yo'qotishni umumlashtiradigan, shuningdek, o'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishni innovatsion kengaytirishga ko'maklashadigan zarur yo'nalish sifatida namoyon bo'ladi.

Jahonda, qishloq xo'jaligining tobora rivojlanib borishining asosiy sabablaridan biri yuqori darajadagi texnika va ilg'or texnologiyalardan foydalanib kelinayotganligidadir, chunki taraqqiy etgan mamlakatlarning iqtisodiy strategiyasi innovatsion jarayonlarni rivojlantirishga qaratilgan. Masalan, Yevropa hamjamiyati mamlakatlarida YaIM o'sishining 90 foizi innovatsion faoliyat hisobiga to'g'ri keladi. Iqtisodiy o'sishning 70 foizi mehnat unumdorligini tashkil etsa, 30 foizi innovatsion texnologiyalar hisobidan amalga oshiriladi<sup>1</sup>.

Zamonaviy sharoitda turli mamlakatlar hukumatlari ilmiy sohaga, xususan tadqiqot va innovatsiyalarga katta miqdorda sarmoya kiritmoqda. Masalan, 2020 yilda Germaniya tadqiqot va ishlanmalar uchun taxminan YAImning 3,1%, Shvetsiya 3,5%, Belgiya 3,5%, AQSh 3,45%, Turkiya 1,089%, Rossiya 1,098%, Yaponiya 3,275%ni yo'naltirdi<sup>2</sup>. 2021 yilda Yevropa Ittifoqining ilmiy-tadqiqot va ishlanmalar xarajatlari yalpi ichki mahsulotga nisbatan 2,27 foizni tashkil etdi, bu o'tgan yilga nisbatan 2,31 foizga past bo'ldi<sup>3</sup>.

Tahlillarga ko'ra, O'zbekiston agrar sektorida innovatsiyalar hajmi jami yalpi ichki mahsulot hajmida 1-2% ni tashkil etadi<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>Савенко В. Г. Формирование системы освоения инноваций в сельском хозяйстве. (теория, методология, практика). Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва. 2005. 338 стр

<sup>2</sup> <https://data.oecd.org/rd/government-researchers.htm#indicator-chart>

<sup>3</sup> [https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=R%26D\\_expenditure](https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=R%26D_expenditure)

<sup>4</sup> Xamrayeva S.N. Qishloq infratuzilmasini innovatsion rivojlantirish. Monografiya - Toshkent: 2017 - 73 bet

Hozirda mamlakatimizda ilm-fan, ta'lim va ishlab-chiqarishning yanada keng integratsiyasini ta'minlash, yangi bilimlarni yaratish va qo'llash, innovatsion texnologiyalarni, ilg'or tajribalarni joriy etish bo'yicha izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Ammo innovatsion texnologiyalarni joriy etish hamda agrar sohani rivojlantirish yo'lida olib borilayotgan tadqiqotlar natijalari sohaning eng quyi bo'g'inlarigacha yetib bormayotganligi, yillar davomida o'z yechimini topa olmayotgan muammolar qishloq xo'jaligi sohasini yanada jadal rivojlanishiga to'sqinlik qilmoqda. Shuning uchun, kelajakda qishloq xo'jaligini ilmiy asosda intensiv rivojlantirish orqali daromadni kamida 25 foizga oshirish, buning natijasida mahsulot tannarxini 30-35 foizga qisqartirish, paxtadan o'rtacha 37 sentner va g'alladan 70 sentner hosil olishga erishish, zamonaviy suvni tejaydigan texnologiyalarni joriy qilish hisobiga paxta va don hosildorligini gektaridan 7-10 sentnerga oshirish; sabzavot va poliz ekinlari seleksiyasini kuchaytirish hisobiga mahalliy navlarning ulushini oshirish; dehqonchilikda o'sish sur'atini o'rtacha 6 foizga oshirish choralarini ko'rish; sabzavot ekinlarini 157,4 ming gektarga ekish hamda o'rtacha hosildorlikni 234 sentnerdan 260 sentnerga yetkazish; kartoshka asosiy maydonlarini 22 ming gektarga oshirib, 71,8 ming gektarga yetkazish hamda hosildorlikni 210 sentnerdan 230 sentnerga yetkazish; poliz ekinlari asosiy maydonlarini 4,4 ming gektarga oshirib, 75,9 ming gektarga yetkazish hamda hosildorlikni 170 sentnerdan 200 sentnerga yetkazish; 25 ming gektarda intensiv bog'lar va 50 ming gektarda yangi uzumzorlar barpo etish hamda o'rtacha hosildorlikni mevada 84 sentnerdan 110 sentnerga, uzumda 120 sentnerdan 135 sentnerga yetkazish, shuningdek, global innovatsion indeksda qayd etilgan past indikatorlar bo'yicha O'zbekiston pozitsiyasini yaxshilash, innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun barcha yo'nalishlarda keng imkoniyatlarni yaratish, tadqiqotlarni va innovatsion tashabbuslarni qo'llab-quvvatlashning zamonaviy mexanizmlarini joriy qilish"<sup>5</sup> bundan tashqari "global innovatsion indeks" reytingida O'zbekistonning hozirgi 86 - o'ringidan 2026 - yilga kelib 56 - o'ringa chiqarish, global iqlim o'zgarishlari sharoitida suv-tejovchi, tuproq unumdorligini oshiruvchi va yuqori hosildor ekin turlari va hayvon zotlarini yaratish orqali oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga qaratilgan innovatsion texnologiyalarni yaratish, yashil iqtisodiyot tamoyillariga asoslangan qayta tiklanuvchi energetika, yangi kompozit materiallar, robototexnika, biotexnologiya, oziq-ovqat xavfsizligi, aqlli qishloq xo'jaligi, aqlli tibbiyot, aqlli sanoat va klasterlash (mis va vinochilik) kabi strategik yo'nalishlar bo'yicha sun'iy intellekt, buyumlar interneti hamda raqamlashtirish texnologiyalarini joriy etishda resurslarni jamlash, yangi ish o'rinlari va mahsulot yaratish hamda yangi xizmatlar tashkil qilish, qishloq xo'jaligi va sanoat sohasiga suvni tejaydigan texnologiyalarni keng joriy etish, respublikani qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat ta'minoti sohalarida mintaqaviy yetakchiga aylantirish, "aqlli qishloq xo'jaligi" agrar sohada personallashtirilgan qishloq xo'jaligi texnologiyalari, yangi samarador navlar va mahalliy xomashyo, "yashil" texnologiyalarga va yuqori mahsulodkorlikka asoslangan qishloq xo'jaligi yuritish bo'yicha innovatsion yechimlar"<sup>6</sup> ni ustuvor vazifa qilib belgilashimiz zarur.

Mazkur holatlar o'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsiyalarning ilmiy-uslubiy asoslarini ishlab chiqish, mazkur jarayonlarning ilmiy-nazariy va metodologik jihatlarini bo'yicha tizimli tadqiqotlar olib borishni taqozo qiladi.

<sup>5</sup> <https://lex.uz/ru/docs/-5841063>. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan yangi o'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son farmoni

<sup>6</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-6102462>. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 06.07.2022 yildagi "2022-2026-yillarda O'zbekiston respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-165-sonli farmoni

O'simlikchilik – qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining asosiy tarmoqlaridan biri hisoblanib, o'z ichiga dalada ekinlarni yetishtirish, paxtachilik, g'allachilik, kartoshkachilik, sabzavotchilik, bog'dorchilik, mevachilik va shu kabilarni oladi. Aholi undan oziq-ovqat mahsulotlari, yengil sanoat va oziq-ovqat sanoati esa qayta ishlash uchun xomashyo, chorvachilik bo'lsa ozuqa oladi. Tarmoq tuzilmasining ko'rsatkichi bo'lib, umumiy hajmda ishlab chiqarilgan mahsulotlarning har bir tarmog'idan sotilgan mahsulotning ulushi xizmat qiladi<sup>7</sup>.

O'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsiyalarning mazmuni, uni o'ziga xos xususiyatlari innovatsiya tushunchasida o'z aksini topadi. Ta'kidlash joizki, bu tushuncha xorijlik olimlar asarlarida ham, mamlakatimiz olimlarining ishlarida ham turlicha ta'riflar bilan keltirib o'tilmoqda.

Yangi texnikalar, texnologiyalar hamda ishlanmalar innovatsiyalarning bevosita iqtisodiy natijasi hisoblanadi. Innovatsiya atamasi birinchi bor ilmiy tadqiqotlarda XIX asrning oxirlarida tilgan olingan bo'lib, bu – "... bir madaniyatga xos bo'lgan ayrim elementlar boshqa bir madaniyatning elementlari (urf odatlari, hayot faoliyati, jumladan, ishlab chiqarish usullari)ga kirib borishi"<sup>8</sup>ni anglatgan. Bundan tashqari Y.Kook va P.Mayers ta'rifiga ko'ra: "Innovatsiya-g'oyadan to bozorda sotiladigan tayyor mahsulotgacha bo'lgan, to'liq jarayon"<sup>9</sup>.

Innovatsiya nazariyasining rivojlanishiga asos solgan olim avstriyalik iqtisodchi Jozef Alois Shumpeter (1883-1950) hisoblanadi. Mutaxassislar fikriga ko'ra aynan ushbu olim birinchi bor innovatsiya tushunchasini ilmiy asoslab bergan. YA.Shumpeter ilgari surgan g'oyaga ko'ra, joriy etilgan har qanday yangi texnik qaror, texnologiya, ishlab chiqarishni tashkil etish, yangi bozorlarning tarkib topishi, xomashyolar manbai innovatsiya hisoblanadi. Bundan tashqari innovatsiyalar nafaqat yangilik, balki ishlab chiqarish omilidir<sup>10</sup>. YA.Shumpeter o'zining «Iqtisodiy rivojlanish nazariyasi» (1911) nomli kitobida birinchi bo'lib "yangi kombinatsiyalar" (ya'ni innovatsion muammolar) masalalarini ko'rib chiqdi va yangilikning to'liq tavsifini berdi. Keyinchalik "yangi kombinatsiya" atamasi o'zgartirilib "innovatsiya" holatiga keltirildi<sup>11</sup>.

Y.Shumpeter keyin G.Mensh, M.Kaleski, B.Tviss va boshqalarning tadqiqotlari asosida "neoklassik" innovatsiya nazariyalari paydo bo'ldi. Ushbu yo'nalishning taniqli vakillari innovatsiyalarni yangi iste'mol tovarlari, ishlab chiqarish va transportning yangi usullari, yangi bozorlar, sanoatdagi yangi tashkiliy shakllardan kelib chiqadigan rivojlanishning "asosiy turtki"si, shu bilan birga, ular iqtisodiyotning siklik rivojlanishi deb baholaydilar<sup>12</sup>.

"Yangilik", "yangilik kiritish", "ilmiy-texnik yangilik" kabi atamalarni M.Porter<sup>13</sup>, B.Tviss<sup>14</sup> kabi olimlarning tadqiqot ishlarida ham uchratishimiz mumkin. Shu bilan birga innovatsiyaga ko'pgina iqtisodchi olimlar o'z fikr mulohazalarini bildirib o'tishgan. Masalan B.Santo innovatsiyaga quyidagicha ta'rif bergan: "Innovatsiya – bu ijtimoiy, texnik-iqtisodiy jarayon bo'lib, g'oya va kashfiyotlardan amaliy

<sup>7</sup> R.X.Ergashev, Sh.Sh.Fayziyeva, S.N.Xamrayeva. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. Toshkent «Iqtisod-moliya» 2018, 359-bet

<sup>8</sup> Инновационный менеджмент: учебное пособие/под ред Л.Н.Оголевой.-М.: ИНФРА-М, 2007.-317с

<sup>9</sup> Cooke Ian, Mayers P. Introduction to Innovation and Technology Transfer Boston Artech House Inc, 1996. 235 p

<sup>10</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем. В.С.Автономова, М.С.Любского, А.Ю.Чепуренко. – М.: Прогресс, 1982. – 72 с.

<sup>11</sup> Степанова И.П. Инновацион менеджмент.- Саратов-2014

<sup>12</sup> <https://habr.com/ru/post/57528/> Теория инноваций Й. Шумпетера и последующие теории

<sup>13</sup> М. Портера Инновационная глобализация и российская конкурентоспособность через призму Алмаза. Текст научной статьи по специальности «Экономика и бизнес»

<sup>14</sup> Твисс Б. Прогнозирование для технологов и инженеров. М.: 2000. – 255 с

---

foydalanish orqali o'z xususiyatiga ko'ra yaxshiroq bo'lgan mahsulot va texnologiyalar yaratilishiga olib keladi, agarda u iqtisodiy foyda olishga yo'naltirilgan bo'lsa, uning bozorda paydo bo'lishida qo'shimcha daromad olish imkoniyati vujudga keladi<sup>15</sup>

Shuningdek, mamlakatimizda shu yo'nalishda tadqiqot olib borayotgan olimlardan S.N.Xamrayevaning fikricha<sup>16</sup>, Innovatsiya – bu fan yutuqlari va ilg'or tajribadan foydalanish, ijtimoiy ishlab chiqarishni takomillashtirish va rivojlantirish jarayonlari, yangi iste'mol xususiyatlarga ega bo'lgan mahsulotlarni (tovar, mahsulot, texnika, texnologiya, boshqa tashkiliy shakl va vositalar) shakllantirish, amaliyotga joriy etishga asoslangan investitsion va ijodiy faoliyatning moddiylashgan yakuniy natijasi bo'lib, bozor va ijtimoiy ehtiyojlarning qondirilishiga ko'maklashadi, xarajatlarni iqtisod qiladi va insonlarning turli xil hayot va faoliyat sohalarida turlicha samara berishini ta'minlaydi, shuningdek, qishloq xo'jaligida biologik, texnik, texnologik va tashkiliy innovatsiyalarni yaratish va o'zlashtirish natijasida qishloq xo'jaligi va unga xizmat ko'rsatuvchi infratuzilmaning raqobatbardoshlik darajasini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar tizimiga aytiladi.

I.B.Rustamovaning fikriga ko'ra<sup>17</sup>, Innovatsiya - qishloq xo'jaligi ekinlarini parvarish etishning resurs tejaydigan va tuproqni himoya qiladigan texnologiyalarini keng qo'llash bilan tavsiflanadi.

Q.A.Choriyev fikriga ko'ra<sup>18</sup>, "Innovatsiya" va "Innovatsion jarayon" atamalariga quyidagilarni bildirib o'tgan: "...keng ma'noda innovatsiyaga jamiyatda inson kapitalini rivojlantirish, aholining yashash sharoitini yaxshilash bilan bog'liq barcha jabha va sohalar (texnika va texnologiya, iste'mol buyumlari, ijtimoiy taraqqiyot strategiyasi, uning tashkiliy shakllari va boshqarish taktikasi, iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy institutlar – fan, maorif, tibbiyot, axborot resurslari, turli xizmatlar ko'rsatish tizimi va h.k.)da intellektual salohiyatni yangi ilmiy g'oya va bilim yo'nalishlarini shakllantirish, ularni yaratish va hayot (ishlab chiqarish)ga tatbiq etish asosida qo'shimcha qiymatlar, sifat o'zgarishlar va tubdan takomillashtirilgan iste'mol mahsulot (xizmat)lari kashf etishga yo'naltirish jarayoni deb ta'rif berish mumkin".

Yuqoridagi keltirilgan nazariy qarash va tahlillarga asoslanib, fikrimizcha innovatsiya birinchidan, ma'lum bir tarmoqdagi tadqiqot va amaliy tajribaning yakuniy natijasi bo'lsa, ikkinchidan, innovatsiya o'zidan avvalgi ishlanmalardan ma'lum xususiyatlari bilan farq qiladi. Umuman olganda innovatsiya yangi texnika va texnologiyalarni, shuningdek, fan texnika taraqqiyotining eng so'nggi natijalari va ishlanmalarini iqtisodiyotning turli tarmoqlariga joriy etish orqali mahsulotlar sifatini oshirish, resurslardan foydalanishning eng optimal yechimlarini topish orqali xarajatlar birligini maksimal kamaytirishga qaratilgan chora tadbirlar natijasidir.

O'simlikchilik mahsulotlari yetishtirishni innovatsion rivojlantirish uchun innovatsiyalarni chuqur va atroflicha o'rganish talab etiladi. Hozirgi raqobat kuchayib borayotgan bozor munosabatlari rivojlangan sharoitda innovatsiyalarning yangiligi ularning belgilariga ko'ra aniqlanadi.

---

<sup>15</sup> Санто Б. Инновация как средство экономического развития: Пер. с венг./ Общ. ред. и вступ .ст. Б.В.Сазонова. – М.: Прогресс, 1990. – 296 с.

<sup>16</sup> Xamrayeva S.N. Qishloq xo'jaligiga xizmat ko'rsatuvchi infratuzilmani innovatsion rivojlantirish yo'nalishlari. Diss. i.f.d.Qarshi. 2019

<sup>17</sup> Rustamova I.B. Agrar sohada innovatsion jarayonlar samaradorligini oshirishning ilmiy-uslubiy asoslari. Diss. i.f.d. Toshkent. 2020

<sup>18</sup> Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигини инновациялар асосида модернизациялаш самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. – Тошкент, ЎзБИИТИ,-2013, 9-бет

---

Innovatsiyalarni tasniflash deganda ularni ma'lum belgilariga ko'ra guruhlariga ajratish tushuniladi.

Bir qancha iqtisodchi olimlar tomonidan innovatsion jarayonlarni o'rganish va tadqiq etishda, innovatsiyalarning turli tasniflarini ajratib olganlarini kuzatish mumkin. Masalan, M.Xuchekning fikricha<sup>19</sup>, innovatsiyalarning tasnifi bir qator xususiyatlarga bog'liq, ya'ni:

- o'zgarishlarning o'ziga xosligi;
- xalq xo'jaligi sohasi;
- innovatsion jarayonlar natijasining keng qamrovligi;
- jamiyatga foydasi;
- innovatsiyalar predmeti.

Shu bilan bir qatorda ayrim iqtisodchi olimlar innovatsiyalarni tasniflashda uch guruhga bo'lgan holda o'rganganlar<sup>20</sup>:

- korxonaga "kirish"dagi innovatsiyalar;
- korxonadan "chiqish"dagi innovatsiyalar;
- o'z ichiga bir tizim sifatida qamrab olgan innovatsiyalarning alohida elementlari va ular o'rtasidagi aloqalar.

X.B.Do'sayev boshqa iqtisodchi olimlarning ilmiy-nazariy qarashlarini o'rgangan holda innovatsiyalarni uch guruhga bo'lgan holda tasniflashni taklif etgan<sup>21</sup>:

- birinchi guruhga innovatsiyalarning mazmunini belgilovchi omillar, ya'ni uning shakllanishi, yangilik darajasi, innovatsion jarayon xususiyatlari, uni takrorlanish darajasi kabi belgilariga qarab tasnifga ajratilgan.

- ikkinchisi innovatsiyalardan foydalanish va ishlab chiqish sohasi omillari va belgilarini inobatga olgan holda turkumlashtirilgan. Bunga innovatsiyalar predmeti va joriy etish sohasi, ishlab chiqish va foydalanish darajasi, innovatsiyalarning tarkibiy tuzilmasi, innovatsiyalarni qo'llash va ta'sir doirasi kiradi.

- uchinchi guruhga innovatsiyalarning natijasini belgilovchi omillar: samaradorligi, samaradorlik shakli, innovatsiyalarni amalga oshirish mexanizmlari va joriy etilishi darajasi, o'zgarishlarning o'ziga xosligi, ularning turi va yangilik shakli, iqtisodiy o'sishda innovatsion imkoniyatlar.

Q.A.Choriyev qishloq xo'jaligi sohasida innovatsiyani turli mezonlarga xos holda tasniflashni taklif etgan<sup>22</sup>:

- potensial g'oyaning yangilik darajasi bo'yicha;
- yangilikning nisbiylik darajasi bo'yicha;
- mavjudligiga nisbatan yangiligi bo'yicha;
- bozor talabiga nisbatan yangilik darajasi bo'yicha.

Innovatsiya turlarining to'laqonli tasnifi A.X.Muxtorov, B.F.Sultonov, S.J.Saidjonovlarning ilmiy tadqiqotlarida keltirilgan. Mazkur olimlar innovatsiyalarni quyidagicha tasniflashni taklif qilganlar<sup>23</sup>:

- innovatsion salohiyat va yangilik bo'yicha (mutlaqo yangi, takomillashtirilgan, nisbatan yangi,

---

<sup>19</sup> Хучек М. Социально-экономическое содержание инноваций на предприятиях // Вестник Московского университета. Серия 6. Экономика. 1995. - №1. С.62-71

<sup>20</sup> Дусаев Х.Б. Инновации: теоретический аспект. // Вестник ОГУ. 2003, - №6. С. 123-12

<sup>21</sup> Дусаев Х.Б. Методологические аспекты классификации инноваций // Вестник ОГУ. 2004, - №1. С. 81-87

<sup>22</sup> Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигини инновациялар асосида модернизациялаш самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. – Тошкент, ЎзБИИТИ, - 2013, 9-бет

<sup>23</sup> Мухторов А.Х., Султонов Б.Ф., Саиджонов С.Ж. Аграр соҳани инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (монография) – Тошкент, ҚХИИТИ, 2014. – 19-20 бет

---

iste'mol nuqtai nazaridan qiymat va resurs sarfi nuqtai-nazardan yangi);

-innovatsion yangiligining ko'lami bo'yicha (dunyo miqyosida tarmoqda yangi, mamlakat miqyosida, tarmoqda yangi, milliy iqtisodiyot tarmoqlari uchun yangi, korxonada va xo'jalik uchun yangi);

- innovatsiya xarakteri bo'yicha (mahsulot innovatsiyasi, jarayon innovatsiyasi, tashkiliy innovatsiya, iqtisodiy innovatsiya, marketing innovatsiyasi, boshqaruv innovatsiyasi, ijtimoiy innovatsiya, ekologik innovatsiya, axborot-maslahatga oid innovatsiya);

- innovatsiyani qo'llash sohasi va joyi bo'yicha (moddiy ishlab chiqarish: qishloq xo'jaligi (dehqonchilik, chorvachilik, qayta ishlash, o'simliklarni himoya qilish, chorva mollarni davolash va h.k.), ilm-fan, xizmat ko'rsatish, ijtimoiy soha, ekologiya, tabiat va iqlim);

- innovatsiyani joriy etish, qo'llash joyi bo'yicha (xo'jalikda qo'llash uchun, korxonada qo'llash uchun sotishga mo'ljallangan, namuna tajriba uchastkasi uchun, ko'rgazma uchun);

- ishlab chiqarish davrdagi o'rni bo'yicha (xomashyo yetishtiruvchi, ta'minlovchi, mahsulot yetishtiruvchi);

- bozorni egallash borasida kutilayotgan ulushi bo'yicha (lokal, tizimli strategik);

- innovatsiyani joriy etish natijasida olinadigan samara turi bo'yicha (iqtisodiy, ekologik, ilmiy-texnikaviy, ijtimoiy, kombinatsiyalashgan);

- innovatsiya shakli bo'yicha (ixtiro, yangilik, patent, taklif, nou-xau; texnologiya, ishlab chiqarish va boshqarish jarayonlari bayon etilgan hujjat, qurilma, tarkib va usullar; namunaviy model);

- innovatsiya qo'llashning qaytarilishi bo'yicha (bir martalik, qaytariladigan (mavsum yoki maxsus holatlarda), o'rnini bosadigan, inkor etuvchi);

- hududiy yo'naltirilganligi xarakteri bo'yicha;

- ehtiyojni qondirish xarakteri bo'yicha;

- bozorga chiqish vaqti bo'yicha;

- vujudga kelish sabablari bo'yicha;

- ijtimoiy yo'naltirilganlik bo'yicha.

S.N.Xamayeva<sup>24</sup> o'zining ilmiy tadqiqotlarida innovatsiya va innovatsion faoliyatni turkumlashni quyidagi belgilarga qarab 3 guruhga ajratib chiqqan:

- birinchi guruhga innovatsiyalarning mazmunini belgilovchi omillar, ya'ni uning shakllanishi, yangilik darajasi, innovatsion jarayonning xususiyatlari, uning yangilik darajasi, tez-tez qo'llanilishi, intensivlik darajasi kabi belgilariga qarab klassifikatsiyaga ajratib olgan.

- ikkinchi guruhda innovatsiyalardan foydalanish darajasi va ishlab chiqish sohasini belgilovchi omillarga to'xtalib, qo'llanilish sohasi, yangilik turi, ishlab chiqish va foydalanish darajasi, iqtisodiyot tarmoqlariga tatbiq etish, ishlab chiqish va qo'llanish sohasi kiradi.

- uchinchi guruhga innovatsiyalarning natijasini belgilovchi omillar: samaradorligi, samaradorlik shakli, innovatsiyalarni amalga oshirish mexanizmlari va joriy etilishi darajasi, o'zgarishlarning o'ziga xosligi, ularning turi va yangilik shakli, iqtisodiy o'sishda innovatsion imkoniyatlar.

I.B.Rustamova qishloq xo'jaligidagi innovatsiyalarni turkumlashtirishni quyidagicha amalga oshirgan<sup>25</sup>:

---

<sup>24</sup> Xamayeva S.N. Qishloq infratuzilmasini innovatsion rivojlantirish. Monografiya - Toshkent: 2017 – 33-34-bet


<sup>25</sup> Rustamova I.B. Agrar sohada innovatsion jarayonlar samaradorligini oshirishning ilmiy-uslubiy asoslari. Diss. i.f.d. Toshkent. 2020

- 
- tarmoqda qo'llash yo'nalishi (tarmoq belgilari) bo'yicha. Qator texnik innovatsiyalar (traktorlar, transport va boshqa vositalar) qishloq xo'jaligining turli tarmoqlarida qo'llaniladi;
  - texnik belgilar bo'yicha. Innovatsion mahsulotlar turi va foydalanish maqsadi (dvigatellar, o'zi yurar va boshqa mashinalar, asbob va uskunalar);
  - qo'llash sohasi bo'yicha. Ishlab chiqarishda qo'llanilishi;
  - yangilik darajasi bo'yicha. Innovatsion mahsulotlarni qo'llash obyektiga nisbatan ta'sir darajasi bo'yicha taqsimlanishi;
  - texnologik belgilar bo'yicha. Innovatsion texnologik jarayon yoki muayyan ishlab chiqarish bosqichidagi o'rni.

**Xulosa.** Bir qator xorijiy hamda o'zbekistonlik olimlarning ilmiy ishlari va izlanishlarini o'rgangan holda, muallif tomonidan, o'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsiyalarning tarkibiy tuzilishi va tavsiflanishini turkumlashtirish amalga oshirildi (1-rasm). Unga ko'ra, o'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsiyalarni joriy etishda ma'lum bir ilmiy va amaliy natijalarga olib kelishi mumkin bo'lgan jihatlar quyidagilar:

- texnologik belgilari bo'yicha;
- biologik belgilari bo'yicha;
- tashkiliy va texnik belgilari bo'yicha;
- foydalanish sohasi bo'yicha;
- ijtimoiy belgilari bo'yicha;
- qamrab olish darajasiga ko'ra;
- bozorda reklama va marketing belgilari bo'yicha;
- innovatsiyalarni shakllantirish manbalari bo'yicha.

O'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsion yutuqlar, asosan, ilmiy-tadqiqot muassasalarida amalga oshiriladi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida yangi innovatsion ishlanmalarni ishlab chiqarishga joriy etish yoki yangi g'oyalarni innovatsiyalarga aylantirish, asosan, tadbirkorlik faoliyati subyektlarining tijorat manfaatlariga erishish maqsadida amalga oshiriladi. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko'rsatadiki, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi samaradorligini oshirishning asosiy shartlaridan biri yuqori darajada texnik jihozlanganlik, ilg'or texnologiyalarni qo'llashga xizmat qiladi, ya'ni innovatsion faoliyat - rivojlangan mamlakatlar iqtisodiy strategiyasi asosi sanaladi.



1-rasm. O'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsiyalarning tarkibiy tuzilishi va tasniflanishi<sup>26</sup>

<sup>26</sup> Muallif tomonidan ishlab chiqilgan



### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan yangi o'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son farmoni
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 06.07.2022 yildagi "2022-2026-yillarda O'zbekiston respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-165-sonli farmoni
3. Xamrayeva S.N. Qishloq infratuzilmasini innovatsion rivojlantirish. Monografiya - Toshkent: 2017 – 73 bet
4. Чориев Қ.А. Қишлоқ хўжалигини инновациялар асосида модернизациялаш самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. – Тошкент, ЎзБИИТИ, - 2013, 9-бет
5. Мухторов А.Х., Султонов Б.Ф., Саиджонов С.Ж. Аграр соҳани инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (монография) – Тошкент, ҚХИИТИ, 2014. – 19-20 бет
6. Xamrayeva S.N. Qishloq xo'jaligiga xizmat ko'rsatuvchi infratuzilmani innovatsion rivojlantirish yo'nalishlari. Diss. i.f.d. Qarshi. 2019
7. Rustamova I.B. Agrar sohada innovatsion jarayonlar samaradorligini oshirishning ilmiy-uslubiy asoslari. Diss. i.f.d. Toshkent. 2020
8. R.X.Ergashev, Sh.Sh.Fayziyeva, S.N.Xamrayeva. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. Toshkent «Iqtisod-moliya» 2018, 359-bet
9. Савенко В. Г. Формирование системы освоения инноваций в сельском хозяйстве (теория, методология, практика). Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва. 2005. 338 стр
10. Санто Б. Инновация как средство экономического развития: Пер. с венг./ Общ. ред. и вступ .ст. Б.В.Сазонова. – М.: Прогресс, 1990. – 296 с.
11. Cooke Ian, Mayers P. Introduction to Innovation and Technology Transfer Boston Artech House Inc, 1996. 235 p
12. Хучек М. Социально-экономическое содержание инноваций на предприятиях // Вестник Московского университета. Серия 6. Экономика. 1995. - №1. С.62-71
13. Дусаев Х.Б. Инновации: теоретический аспект. // Вестник ОГУ. 2003, - №6. С. 123-128
14. Шумпетер Й. Теория экономического развития / Пер. с нем. В.С.Автономова, М.С.Любского, А.Ю.Чепуренко. – М.: Прогресс, 1982. – 72 с
15. Твисс Б. Прогнозирование для технологов и инженеров. М.: 2000. – 255
16. <https://data.oecd.org/rd/government-researchers.htm#indicator-chart>
17. <https://ec.europa.eu/eurostat/statistics>

# РАЗВИТИЕ КОРНЕВОЙ СИСТЕМЫ КИЗИЛА

Рейпназарова Гулперийзат,

докторант кафедры Плодоовощеводства и виноградарство ТашГАУ

**Аннотация.** Росту надземной части кизила предшествует начало деятельности корневой системы. Наши исследования показали, что в условиях Узбекистана корневая система кизила залегает неглубоко и располагается в зоне от 10 см до 100 см от поверхности почвы. Вертикальный корень углубляется в землю всего до 80-100 см. Горизонтальные корни значительно длиннее, обильно ветвятся, несут густую, деятельную мочку из активных, всасывающих корешков. Из приведенного следует, что наиболее насыщен корнями слой почвы до 40 см, что соответствует наиболее плодородному слою бурых лесных почв. Несколько меньшее распространение корней в слое почвы 0-20 см, чем 20-40 см связано с частым пересыханием поверхностного слоя, в котором до глубины 5-6 см корней кизила практически нет.

**Ключевые слова:** кизил, рост, корневой системы, почвы, вертикаль, горизонтальные корни, почва, масса, длина, температура, урожай.

**Введение.** *Распространение кизила обусловлено многовековой деятельностью человека, которая не всегда способствовала его возобновлению в естественных условиях произрастания. Так, роль кизила как подлеска в горных лесах заметно снизилась, поскольку изменился состав доминирующих пород. Ввиду общего сокращения площадей под дикоплодовыми растениями в районах центральной части Северного Кавказа, ареал кизила также постоянно уменьшается.*

Многолетний опыт садоводства на различных уровнях хозяйствования позволяет утверждать, что недостаток естественных запасов кизила может быть компенсирован созданием промышленных плантаций. Кизил в культуре обильно и стабильно плодоносит, дает крупные, сочные плоды, пригодные для различных видов промышленной переработки в пищевой промышленности, а также в качестве лекарственного сырья. К тому же, являясь аборигеном местной флоры дикоплодовых растений, кизил дает экологически безопасные плоды.

Наряду с развитием плодородства и виноградарства в Республике необходимо рационально использовать сырье дикорастущих плодовых растений, многие виды которых могут служить исходным селекционным материалом при выведении новых сортов и пород плодовых культур.

Практическое значение имеют рекомендации по культуре (разведению), отбору и размножению ценных форм кизила, уходу за его посадками.

**Методика исследования.** При изучении корневых систем проводилась раскопка половины окружности корневой системы дерева. Скелетные корни измерялись в длину, и подсчитывалось их количество на единицу площади вертикального среза почвы. Для раскопок брали кизиловые растения, произрастающие в верхней, средней и нижней частях склона, семенного и порослевого происхождения. При этом изучали распространение скелетных (толщиной более 3 мм), проводящих (1-3 мм) и физиологически активных, поглощающих (толщиной 1 мм и меньше) корней [1, 2].

Для изучения роста скелетных корней по длине в горизонтальном направлении через каждые 0,5 м, начиная от ствола дерева, их перерезали на равновеликие отрезки, что значительно облегчало измерение и учет корней по фракциям. Такие операции проводили послойно, на глубине 0-20; 20-40 и 40-60 см. Для каждого из слоев определяли массу и длину корней по вышеназванным фракциям. Раскопки проводили в июле-августе, в период затухания активного роста поглощающих корешков и начала созревания плодов. В этот же период определяли урожай с деревьев, путем подервного учета [3].

Для оценки посевных качеств семян различной формы плодов кизила, их испытывали в опытном посеве. Свежесобранные семена стратифицировали, для чего хранили в период с сентября 2021 г., во влажном песке, до весны (апрель) 2023 г. в подвале в деревянных ящиках. Весной перед посевом их замачивали на сутки при комнатной температуре, затем высевали в почву питомника (в каждом варианте формы плодов высевалось по 1000 шт. семян) [4, 5, 6].

В стационарном опыте изучали способы размножения кизила, обеспечивающие хороший рост, быстрое развитие и раннее вступление в пору плодоношения, такие как прививка и размножение зелеными черенками. Изыскивались способы наиболее быстрого и эффективного размножения кизила вегетативным путем: зеленым черенкованием побегов, заготовленных по следующим вариантам: во II декаде мая, I и III декадах июня. В первый срок заготавливали побеги текущего года без признаков лигнификации, то есть с зеленой кожицей без изменения ее окраски у основания. Во второй и третий сроки у основания (в нижней части побега текущего года) отмечалось легкое пожелтение кожицы, что свидетельствует о начале лигнификации.

В каждый срок заготавливали по 1200 черенков. Зеленые черенки длиной 6-8 см, на которых оставляли по 2 пары верхних листьев высаживали в пленочную теплицу в день их заготовки, а также часть из них после суточной обработки в растворах искусственных и естественных регуляторов роста. Глубина посадки черенков 3,5 - 5 см. В теплице поддерживалась относительная влажность воздуха - 95%, а температура - 25 - 28°C. В жаркую погоду черенки несколько раз в день опрыскивали водой.

**Результаты исследования.** По длине горизонтальные корни не выходят за проекцию кроны. Близость корневой системы к поверхностному слою почвы обуславливает очень чуткую реакцию кизила на влагу, хотя он и считается засухоустойчивым растением.

От корневой шейки отходит масса корневой поросли, особенно много ее у кустовых форм в молодом возрасте. В противовес утверждению А. И. Ильиной (1952), о том, что древовидная форма поросли почти не образует, в условиях республики деревья кизила, как правило, дают множество отпрысков от корневой шейки, замедляющих рост и развитие дерева.

Установлено, что характер и степень распространения корневой системы зависит так-

же от формы кроны и места произрастания деревьев. Так, у растений кустообразной формы в возрасте 15-20 лет, корни достигают глубины максимум 60-80 см, а у древовидных - 1 метра и глубже, независимо от экспозиции и части склонов.

Из приведенного следует, что у кустообразных растений кизила глубина проникновения корней в почву на 30-40 см меньше, чем у древовидных. При этом высказанная закономерность справедлива как для растений, находящихся на склонах различных экспозиций, так и на разных частях по отношению к водоразделу или местному базису эрозии.

Все корни имеют сильную ветвистость и извилистость. Интенсивное ветвление корней у деревьев кизила наблюдается на всем протяжении. Обычно корни заканчиваются веерообразной мочкой.

Ветвление, как правило, начинается на расстоянии 5-20 см от корневой шейки дерева. От главного корня отходят корни второго порядка, от них - третьего, затем образуются корни четвертого и последующих порядков. Самое интенсивное ветвление корней нами было отмечено в радиусе 1 - 2,5 м от ствола дерева, дальше оно выражено слабее.

В процессе раскопок наблюдалось ярусное расположение корней, которое проявляется с 5 - 7-летнего возраста. Первый ярус расположен на глубине 3 - 7 см, второй - 15-25, третий - 30-40 см. У старших деревьев корневая система имеет некоторые отклонения. Так, корни верхнего яруса располагаются на глубине 5 - 25 см параллельно поверхности почвы. У некоторых деревьев они углубляются до 40 см, а у единичных экземпляров - даже до 1 м. Часто встречались корни, которые углублялись в почву на 25 - 80 см, затем развивались в восходящем направлении и, значительное число физиологически активных корней, доходило до границы между почвой и подстилкой.

Корневая система кизила в возрасте старше 5-7 лет занимает площадь, практически равную проекции кроны. У 70-летнего дерева, произрастающего на свежих бурых лесных суглинистых почвах, диаметр корневой системы достигает 4,6 м, а проекция кроны - 2,18 м; у 37-летнего соответственно 2,12 и 1,61 м.

Развитие корней и ветвей в кроне кизиловых растений не совпадает по направлению. В насаждении на ровных участках корни развиваются во всех направлениях

равномерно, а ветви в кроне с большей интенсивностью в сторону окон I яруса.

Распространение корневой системы растений кизила, произрастающих на склонах, имеет свои особенности. В верхней части склона корни интенсивнее развиваются вниз по склону. Это можно объяснить тем, что здесь наблюдается сток дождевых и талых вод, переносящих значительное количество питательных веществ. В средней части корни поперек склона и вниз по склону размещаются с почти одинаковой интенсивностью. Вверх по склону корни развиваются менее интенсивно,

чем в других. В нижней части склона корни распространяются практически равномерно.

Распространение скелетных, поводящих и активных корней кизила на склонах имеет следующий характер: в верхней части они расположены глубже, чем в средней и нижней. Так, в верхнем 10-сантиметровом слое почвы в верхней части склона физиологически активных корней содержится 45 %, в средней - 51, в нижней - 61% от общей массы, приходящейся на 80-сантиметровый почвенный слой (табл. 1).

**Таблица 1**  
**Распространение физиологически активных корней по частям склона**

Глубина, см	Часть склона					
	Верхняя		Средняя		Нижняя	
	граммов	%	граммов	%	граммов	%
0-10	98,3	45,2	34,2	50,6	49,7	61,3
10-25	79,9	36,5	21,0	29,7	19,9	24,4
25-40	27,4	12,6	8,9	13,2	8,5	10,4
40-60	10,2	4,7	3,7	5,0	2,3	2,8
60-80	2,1	1,0	1,0	1,5	0,9	1,1
Всего	217,9	100,0	68,9	100,0	81,3	100,0

В вертикальном направлении обычно развивается сильно извилистый корень, который проникает в почву до 44 - 54 см. Ветвление этого корня слабое, но оканчивается он хорошо выраженной мочкой. У кизила основная часть скелетных корней находится на глубине 5 - 25 см; они часто повреждаются. На местах повреждений образуются утолщения. Нередко наблюдалось срастание крупных и мелких корней.

#### **Выводы:**

1. Кизил в нижнегорном и среднегорном поясах Узбекистана произрастает в виде деревьев, высотой от 3 до 8 м и в виде кустов от 2 до 5 метров. Он произрастает отдельными деревьями или кустарниками, а иногда образует сплошные кизиловые заросли на склонах всех экспозиций. Наибольшее распространение они имеют в нижней части южных, юго-западных и западных склонов, ниже - и среднегорного высотных поясов.

2. В условиях Узбекистана у кизила развивается поверхностная корневая система, в верхнем 0-20 см слое почвы находится более половины мочковатых корней. В зависимости от экологических условий, глубина залегания корневой системы неодинаковая: в верхней части южного склона она находится на глубине 20-25 см, а в верхней части северного склона — на глубине 8-10 см от поверхности почвы. В молодом возрасте деревья кизила образуют большое количество корневой или пневой поросли.

3. Происхождение кизила в значительной степени определяет активность роста, характер ветвления и морфоструктуру надземной части и формирование репродуктивных органов растений. Цветочные почки кизила закладываются на одно, двух, трех и четырехлетних ветвях в год, предшествующий цветению. Вступает в плодоношение кизил чаще всего на четвертый год.

---

### Использованная литература:

1. Алиев Д. М. Кизил / Д.М. Алиев // Садоводство. - 1977. - № 10. - С. 33.
2. Бекузарова С.А. Подкормка семенного травостоя клевера /С.А. Бекузарова, Ж.А. Азнаурова // Регуляторы роста и развития растений. - М., 1999.-Вып. 1 - С. 155.
3. Былда А. З. Зеленое черенкование кизила /А.З. Былда // Садоводство. - 1964.-№6.-С. 19.
4. Былда А. З. Размножение плодоягодных растений зелеными черенками /А.З. Былда // Садоводство. - 1965. - № 4. - С. 95- 104.
5. Ильина А.И. Кизил как плодое дерево Крыма: Автореф. дис. . канд. биол. наук: / А.И. Ильина; Крымский филиал АН СССР. — Л., 1952. - 20 с.
6. Reypnazarova G. N., Adilov X. A. Qizil meva daraxtini yashil qalamchalaridan ko'paytirish texnologiyasi //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 620-624.
7. Adilov X. A. et al. Uzunning urug'siz navlari fenologik fazalarini tup yuklamasiga bog'liqligi // Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 6. – С. 382-386.

# МАХСАР (*Carthamus tinctorius* L.) УРУҒЛАРИНИНГ УРУҒЛИК СИФАТИГА ПОЛИМЕР ШАКЛЛИ ПРЕПАРАТЛАР ТАЪСИРИ

Рашидова Д. К.<sup>1</sup>, Назаров Х. К.<sup>2</sup>, Садуллаев Н. С.<sup>3</sup>

<sup>1</sup>д.с.х.н, профессор, Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Узбекистан, e-mail: etoile111@yandex.com

<sup>2</sup>к.с.х.н., доцент. Ташкентский государственный аграрный университет. e-mail: nazarov.21.04@mail.ru

<sup>3</sup>магистрант Ташкентский государственный аграрный университет. e-mail: nazarov.21.04@mail.ru

**Аннотация.** Мақолада махсар уруғларининг ўсув қуввати, унувчанлигига лаборатория шароитида полимер шакли препаратларнинг таъсири ўрганилган бўлиб, назорат вариантга нисбатан 1,5-2,2% юқори кўрсаткични намоён қилган. Полимер шакли препаратларнинг махсар уруғи вазнига ҳам кўрсатадиган таъсири аниқланиб, назоратга нисбатан 3,6-12,4 г ортиқ бўлганлиги кузатилган.

**Таянч сўзлар:** уруғлик, унувчанлик, экиш сифати, полимер препаратлар, махсар.

va qishloq xo'jaligi landshaftining xususiyatlari haqida tushuncha berish mumkin [1].

**1. Vegetatsiya indeksleri.** Ko'p spektrli tasvirlar asosida o'simliklar holatini baholash uchun foydalaniladigan o'simliklar holatining muhim axborot belgilari turli xil vegetatsiya indeksleri hisoblanadi.

Normallashtirilgan nisbiy biomassa indeksi (NDVI) yer yuzasidagi fotosintetik faol biomassa miqdorining ko'rsatkichidir. Indeksni hisoblash uchun qizil va yaqin infraqizil spektrlardagi spektr yorqinligi qiymatlari qo'llaniladi.

Yaxshilangan vegetatsiya indeksi (EVI) bu yaxshilangan o'simlik biomassasi indeksi bo'lib, u NDVI normallashtirilgan nisbiy o'simlik indeksining

modifikatsiyasi hisoblanadi. O'simliklarning holatini baholashda uning afzalliklari bor, chunki uning qiymatlarida tuproq va atmosferaning ta'siri minimallashtiriladi.

Yashil normallashtirilgan farqli vegetatsiya indeksi (GNDVI) soyabonning fotosintetik faolligining ko'rsatkichi bo'lib, o'simlik barglaridagi namlik va azot konsentratsiyasini baholashda eng ko'p qo'llaniladi. Barg maydoni indeksi LAI - kvadrat santimetrda, tuproq yuzasining kvadrat santimetriga yoritilgan barglarning maydoni hisoblanadi [2].

Quyidagi rasmda qishloq xo'jaligi yerlarining yuqoridan olingan aerofotosurati ko'rsatilgan.



**1-rasm. Qishloq xo'jaligi yerlarining yuqoridan olingan aerofotosurati**

## **2. Rangning axborot xususiyatlari.**

Vegetativko'rsatkichlardan tashqari, o'simliklarning rang xususiyatlarini ham ajratish mumkin: rang diapazonlari va boshqa holatdagi o'simliklar uchun rang gistogrammalari bo'lib xizmat qiladi.

O'simliklarning turli sharoitlari turli xil ranglar bilan tavsiflanadi (sog'lom o'simliklar - yashil, ta'sirlangan - sariq yoki jigarrang), ularni tasvirni tahlil qilish asosida olish mumkin. Yoritish sharoitlarining ta'sirini kamaytirish uchun RGB o'rniga HSV rang maydonidan foydalaning. Bunday holda, o'simliklarning rangi Hue va Saturation parametrlari bilan tavsiflanadi. Katta darajada bir-biriga mos kelishi mumkin bo'lgan rang diapazonlariga qo'shimcha ravishda, o'simlik rangi

rang qiymatlarini diapazonda taqsimlanishini ko'rsatadigan gistogramma sifatida tasvirlash mumkin. Tekstura (Haralik belgilari) va fraktal (o'lchov) xarakteristikalar tasvirlarning kichik maydonlarining xususiyatlarini baholash orqali dalaning ma'lum bir hududida o'simliklarning zichligini baholashga imkon beradi.

## **3. Ekinlarni xaritalash uchun kombinatsiyalashtirilgan axborot belgilarni qurish algoritmi.**

Bu algoritim o'simliklarni identifikatsiyalash (tuproqdan o'simliklarni ajratish, kamo'sadigan joylarni identifikatsiyalash, o'lik o'simliklar maydonlarini qidirish) muammosini hal qilish uchun mo'ljallangan va normallashtirilgan nisbiy biomassa indeksi,

tekstura va fraktal xususiyatlardan foydalanadi.

Algoritm quyidagi bosqichlardan iborat:

1. NDVI normalangan nisbiy biomassa indeksini hisoblash.
2. Maydonning multispektral tasvirining har bir kanali uchun Xaralikning tekstura tavsiflarini (kontrast, entropiya) hisoblash.
3. Boshqa shkala uchun fraktal o'lchamning qiymatini hisoblash.
4. Jadvalga muvofiq NDVI qiymatlari asosida biomassa zichligi xaritasini tuzish.
5. Xaralik teksturasi asosida biomassa zichligi xaritasini tuzish.
6. Turli masshtabdagi fraktal o'lchamlar asosida biomassa zichligi xaritasini tuzish.
7. Olingan qiymatlar asosida ekinlar xaritasini tuzish va ularni mantiqiy yoki (OR) operatsiyasi bilan birlashtirish [3].

**4. O'simliklar holatini xaritalash uchun kombinatsiyalashtirilgan axborot belgilarni qurish algoritmi.** Bu algoritm o'simliklarning holatini identifikatsiyalash - o'simliklarni vegetativ holatiga ko'ra ajratish va kasallikning zararlanish darajasini identifikatsiyalash uchun mo'ljallangan. Algoritm quyidagi bosqichlardan iborat:

1. EVI yaxshilangan vegetatsiya indeksini hisoblash.
2. GNDVI yashil normalangan farqli vegetatsiya indeksini hisoblash.
3. LAI barg maydoni indeksini hisoblash.
4. Soya (Hue) va to'yinganlik (Saturation) qiymatlarini diapazonga tushishini tekshirish.
5. R, G va B kanallari uchun gistogramma tavsiflarini qurish.
6. Indekslar bir xil oraliqlarga tushadigan maydonlarni identifikatsiyalash.
7. Ekinlar xaritasini shakllantirish.
8. Ekin xaritasi yordamida 6-bosqichda olingan xaritani niqoblash.

Algoritmning bosqichlari natijasida ekinlarning holati xaritasi olinadi, unda holat indekslar kombinatsiyasi bilan tavsiflanadi va indeks qiymatlarining belgilangan intervallariga muvofiq izohlanadi. Muayyan hal qilinayotgan muammoning talablariga qarab, 1-5 bosqichlarda hisoblangan ba'zi indekslar davlat xaritasidan chiqarilishi mumkin bo'ladi. Ob'yekt deskriptorlarini qurish multispektral tasvirlarning birlashgan axborot xususiyatlaridan foydalanishga asoslanadi [4].

**5. Noravshan mantiq asosida deskriptor qurish.** Noravshan mantiqqa asoslangan deskriptor qurishda lingvistik atamalar noravshan to'plamlar

yordamida aniqlanadi. Noravshan to'plamlar qisman a'zolikka imkon beruvchi lingvistik atamalarning matematik ko'rinishlaridir. Masalan, «baland» atamasini ma'lum darajada baland deb hisoblangan barcha balandliklarni o'z ichiga olgan noravshan to'plam sifatida aniqlash mumkin. Bu an'anaviy ravshan to'plamlarga nisbatan atamalarning yanada nozik va moslashuvchan ta'riflariga imkon beradi. Noravshan mantiqqa asoslangan deskriptor konstruksiyasi turli ilovalarda, jumladan, ma'lumotlarni tahlil qilish, qaror qabul qilish va boshqarish tizimlarida qo'llanilishi mumkin. Uning moslashuvchanligi va noravshanlik bilan kurashish qobiliyati uni ko'plab sohalarda foydali vositaga aylantiradi.

$A \subseteq X$  sifatida belgilanadigan ba'zi (bo'sh bo'lmagan)  $X$  fazodagi noaniq  $A$  to'plam  $A = \{x, \mu_A(x); x \in X\}$  juftlik to'plamidir; bu yerda,  $\mu_A: X \rightarrow [0, 1]$  - noravshan to'plamining  $A$  a'zolik funksiyasi. Bu funksiya har bir elementiga uning  $A$  noravshan to'plamdagi a'zolik darajasini belgilaydi, shu bilan birga uchta holatni ajratib ko'rsatish mumkin:

$\mu_A(x) = 1$  - elementi  $A$  noravshan to'plamga tegishli ekanligini bildiradi, ya'ni  $x \in A$ ;

$\mu_A(x) = 0$  -  $x$  elementi  $A$  noravshan to'plamga tegishli emasligini bildiradi, ya'ni ;

$[0 < \mu_A(x) < 1]$  -  $x$  elementning  $A$  noravshan to'plamga qisman tegishlilikini bildiradi.

Ma'lumotlarni tanib olishning asosiy muammosi shundaki, o'zgaruvchanlik (tekstura va fraktal) va axborot belgilar (biomassa indeksleri) bir-birining ustiga chiqadigan diapazonlarga ega bo'lishi mumkin. Bundan kelib chiqadiki, klasterlarning xususiyatlarini aniq ta'riflash qiyin va har xil bo'lishi mumkin. Shuning uchun ikkita vazifa ajratib ko'rsatiladi: noravshan tavsifdan foydalangan holda ob'ektlarning klasterlari va deskriptorlarini shakllantirish va noravshan deskriptorlarni tasniflashdan iborat bo'ladi. Noravshan obyekt deskriptorlarini qurish algoritmi quyidagi bosqichlardan iborat: 1. Ko'p spektrli tasvirlarning kombinatsiyalangan axborot belgilarini hisoblash. 2. 1-bosqichda hisoblangan axborot belgilari asosida asl tasvirlarni segmentlash. 3. Segmentlarning tasnifi. 4. Har bir sinf uchun tekstura va fraktal tavsiflarini hisoblash. 5. Har bir sinf uchun tavsiflar va axborot belgilarning o'rtacha qiymatini hisoblash [5].

Normallashtirilgan masofalarni hisoblash algoritmi quyidagicha: 1. Obyektlarning tavsiflari va belgilari qiymatlarining har bir sinfning o'rtacha qiymatiga masofasini hisoblash. 2. Masofalar

qiymatini ularning yig'indisi birga teng bo'lishi uchun normallashtirish. Olingan normallashtirilgan masofalar to'plami obyektning noaniq deskriptoridir. Qishloq xo'jaligi dalalarining aerofotosuratlarida obyektlarni identifikatsiyalash uchun noravshan mantiqqa asoslangan deskriptorlarni qurish aniq va ishonchli natijalarga erishish uchun a'zolik funksiyalari va noaniq qoidalarni sinchkovlik bilan tanlash va sozlashni talab qiladi. Tasvirlarning

miqyosi va rezolyutsiyasini, shuningdek, noravshan mantiq tizimining ishlashiga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan har qanday shovqin yoki artefaktlarni hisobga olish ham muhimdir. Qishloq xo'jaligi dalalarining aerofotosuratlarida obyektlarni identifikatsiyalash uchun noravshan mantiqqa asoslangan deskriptorlar yaratish bo'yicha jadval ko'rinishidagi quyidagi ma'lumotlar natija sifatida olinadi:

Aspekt	Tavsif
Yondashuv	Noravshan mantiq
Obyektiv	Qishloq xo'jaligi dalalarining aerofotosuratlarida ob'ektlarni identifikatsiyalash
Kirish	Tasvirdan olingan piksel qiymatlari yoki boshqa xususiyatlar
A'zolik funksiyasi	Qiziqarli ob'ektlarning turli xususiyatlarini tavsiflaydi
Noravshan operator	Va (AND), Yoki (OR), Emas (Not)
Noravshan qoidalar	Qiziqarli ob'ektlarning mavjudligi yoki yo'qligini belgilaydi
Chiqish	Aniq qarorga aylanadigan noaniq chiqish
Misol	Yashil rang va tekstura asosida tasvirdagi ekinlarni aniqlash
Mulohazalar	Noravshan mantiq tizimining ishlashiga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan tasvirlar, shovqin yoki artefaktlarning o'lchamlari
Foyda	Qaror qabul qilishda noaniqlik va noaniqlik bilan kurashishga qodir
Qiyinchiliklar	To'g'ri va ishonchli natijalarga erishish uchun a'zolik funksiyalari va noaniq qoidalarni diqqat bilan tanlash va sozlash
Ilovalar	Aniq qishloq xo'jaligi, ekinlar monitoringi, yerdan foydalanishni rejalashtirish, atrof-muhitni baholash

### 1-jadval. Qishloq xo'jaligi dalalarining aerofotosuratlarida obyektlarni identifikatsiyalash

#### uchun noravshan mantiqqa asoslangan deskriptorlar yaratish

**Xulosa.** Qishloq xo'jaligi o'simliklarining holatini baholash uchun multispektral tasvirlarning axborot xususiyatlarini birlashtirish usuli ko'rinadigan diapazon ma'lumotlari va spektrning ko'rinadigan va infraqizil hududlaridagi tasvirlardan hisoblangan bir qator o'simliklar indeksleri, shuningdek rang va ko'rsatkichlardan birgalikda foydalanishga asoslangan. Ko'rinadigan va yaqin infraqizil spektrlar, tasvirlarning rang va tekstura belgilari asosida hisoblangan bir qator o'simlik ko'rsatkichlaridan birgalikda

foydalanishga asoslangan ko'p spektrli tasvirlarning kombinatsiyalangan axborot belgilarini yaratish algoritmlari qishloq xo'jaligi o'simliklarining holatini baholash uchun mo'ljallangan. Axborot belgilarining o'zgaruvchanligi bilan tavsiflangan obyektlarning deskriptorlarini qurish algoritmi qishloq xo'jaligi o'simliklarining holatini kuzatish va hosildorlikni bashorat qilish tizimlarida segmentatsiya va tasvirni identifikatsiyalash uchun ishlatilishi mumkin. Bu esa o'z navbatida qishloq xo'jaligida oziq-ovqat xavfsizligi masalalarini yanada takomillashtirishga xizmat qiladi.



---

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Беляев, Б.И. Оптическое дистанционное зондирование / Б.И. Беляев, Л.В. Катковский. - Минск: БГУ, 2006. - 455 с.
2. Monitoring vegetation systems in the Great Plains with ERTS / J.W. Rouse [et al.] // In 3rd ERTS Symposium, NASA SP-351 I. - 1973. -P. 309-317.
3. Sang-Il, Na. Estimating Leaf Area Index of Paddy Rice from RapidEye Imagery to Assess Evapotranspiration in Korean Paddy Fields / Na. Sang-Il [et al.] // Korean Journal of Soil Science and Fertilizer. - Vol. 46, iss. 4. - 2013. - P. 245-252.
4. A comparison of vegetation indices over a global set of TM images for EOS-MODIS / A.R. Huete [et al.] // Remote Sensing of Environment. - Vol. 59, iss. 3. - 1997. - P. 440^151.
5. Зверев, Г. Теоретическая информатика и ее основания / Г. Зверев. - М.: Физматлит, 2007. - 592 с.

## Tilshunoslik

# TILNI O'ZLASHTIRISH NAZARIYALARI

Mamasoliyeva N. S,

Toshkent davlat agrar universiteti, O'zbek tili va adabiyoti o'qituvchisi

**Annotasiya :** Ushbu maqolada hozirda mavjud bo'lgan an'anaviy psixologik nazariyalar bu muammoni uzil-kesil yecha olish to'g'risida so'z yuritiladi. Yaqin kelajakda bahs va tadqiqotlar psixologiyada katta o'zgarishlarga sabab bo'lishi haqida fikrlar bildiriladi. Bu sohadagi hozirgi zamon nazariya va tadqiqotlarining xarakterli belgisi va bu jarayonning universalligini belgilashga intilib, universallik asosini belgilovchi biologik tamoyillar mavjudligi tushuntiriladi.

Til o'zlashtirish nazariyalari yosh bola oldida turgan murakkab vazifa – chuqur tuzilmani aniqlab, uning ma'nosini tushunish masalasini e'tiborga olishlari lozimligi nazarda tutilgan.

Hozirgi zamon tilshunosligining grammatika sohasidagi tadqiqotlari o'z navbatida psixologiyaga katta ta'sir ko'rsatgan. Ular nazariy eksperimental jihatdan o'rganish psixologiyasini boyitib, psixolingvistikaning keyingi taraqqiyotida muhim omilga aylandi.

**Tayanch so'zlar:** nazariya, psixologik nazariyalar, psixolingvistika, transformatsion grammatika, universallik, jarayon, nazariya va tadqiqotlar, biologik tamoyillar.

Hozirda mavjud bo'lgan an'anaviy psixologik nazariyalar bu muammoni uzil-kesil yecha olmaydi. Yaqin kelajakda bahs va tadqiqotlar psixologiyada katta o'zgarishlarga sabab bo'ladi. Buni natijasida inson psixologik tabiatini murakkab tasviri paydo bo'ladi. Uning negizida murakkab tug'ma aql tuzilmalari yotadi va ular ko'p borada rag'bat va ta'sirlanish o'rtasidagi aloqa bilan chambarchas bog'liqdir.

Hozirgi davrda til o'zlashtirish borasida tug'ma qobiliyatning o'rni haqida turlicha muzokaralar olib borilmoqda. Transformatsion grammatikaning ta'siri, ekologiya sohasidagi oxirgi tadqiqotlar, o'zlashtirish va o'rganish rivoji borasidagi tahlil – bu hammasi psixologiyalarni aql rivojining tug'ma aspektlariga qiziqishini kuchaytirdi. Bu borada har bir ilmiy bahs asosida inson tilini o'zlashtirishni tushuntirish degan narsa yotadi.[3]

Bu sohadagi hozirgi zamon nazariya va tadqiqotlarining xarakterli belgisi shundaki, ular bu jarayonning universalligini belgilashga intilib, universallik asosini belgilovchi biologik tamoyillar mavjudligini oldinga suradilar.

Til o'zlashtirish nazariyalari yosh bola

oldida turgan murakkab vazifa – chuqur tuzilmani aniqlab, uning ma'nosini tushunish masalasini e'tiborga olishlari lozim. Psixologik nazariyalar o'rganish asosi sifatida ta'sirlanish va rag'bat o'rtasidagi aloqa jipsligida degan fikrdan kelib chiqadi. Lekin yosh bola o'rganadigan narsani ta'sirlanish va rag'bat aloqalarini yig'indisi sifatida emas, balki ichki qoidalar murakkab tizimini belgilaydi deyish mumkin. Shu borada bola bu tizim bilan to'qnashmaydi, u ma'lum vaziyatlarda aniq gaplardan foydalanadi.

Bola til tizimini o'zlashtirishi juda murakkab masala. Ayrim olimlar hatto bola miyasi avvaldan inson nutqiga xos bo'lgan tuzilmalarni qaytadan ishlashga moslashgan va tuzilmaning qayta ishlash natijasi bu tilning transformatsion grammatikasi, deb fikr bildirganlar. Bu degani, bolada axborotni qayta ishlash uchun tug'ma xususiyatlar mavjud va ular eshitilayotgan nutqqa qaratilsa, bola o'z tilining grammatikasi tuzilishini yaratadi. Buning isboti sifatida shuni aytish kerakki, inson yoshligida o'z tilini o'zlashtirishi uchun biologik jihatdan asoslangan “keskin davr” bo'ladi va inson miyasida lingvistik vazifalarni bajaruvchi alohida tuzilmalar shakllanadi hayvonlar miyasida esa bu narsa yo'q.

Bu borada Nozm Xomskiyning fikrlarini keltirsak: “Grammatik tuzilmani o’zlashtirishda lingvistika, psixologiya yoki filosofiyada belgilangan induktiv operatsiyalarning (bo’g’in-bo’g’in tuzilishi, o’rin almashlash, modellar bo’shliqlarini to’ldirish, assotsatsiya va h. k.) intiutsiyasi emas, til o’zlashtirmaning asosini bola tomonidan o’z tilining grammatikasining mahsuli bo’lgan hayotiy narsalarni belgilovchi ma’lum tushuncha va tamoyillar yig’indisi yotadi.

Bola o’zlashtiradigan grammatikaning turi haqida so’z yuritsak, bu grammatika tuzilishi asosida til me’yorlariga zid va juda kam imkoniyatli jarayon bor, turli olimlar tomonidan tuzilgan bo’lsa ham grammatikalarning o’xshashligi, bu grammatikalarning sifat darajasi, emotsional holatdan kelib chiqmasligi, aniq bo’ladi. Avvaldan til tuzilmasining umumiy xislati haqida hech qanday axborotga ega bo’lmay, mazkur tuzilmani bu darajada o’zlashtirib bilmaydi”. [10]

Bunda mavjud axborotdan kelib chiqqan holda, shuni taxmin qilishimiz mumkin: bola tilni qabul qilishi jarayonini nazorat qilish uchun o’ziga xos transformatsion grammatika tuzadi va u orqali predmet yoki shakl sifatlarini belgilaydi. Shu sababdan til tuzilmasining umumiy xususiyatlari faqat individual tajribadan emas, balki inson bilim o’zlashtirish qobiliyatini belgilovchi umumiy qonunlarni o’zida aks ettiradi.

Psixologik o’rgatish nazariyasini yo’nalishlarini Xomskiy xulosalari asosida ko’rib chiqamiz. Bizlarni qiziqtirgan bu muammolarga klassik yondashishni mohiyati: bola o’z harakatlari “Tasdiq” (ham ijobiy, ham salbiy) oladi, va shuning asosida o’zining kelajakdagi xulqining sxemasini “umumlashtiradi”. Bu sxema bo’yicha grammatik jihatdan to’g’ri nutq paydo bo’lishi mumkinmi? Mumkin, lekin bu holat bizga bola qanday qilib to’g’ri faoliyatni belgilovchi grammatikani chuqur tushunchalarini o’zlashtirish haqida hech narsa demaydi. Bola tomonidan aytilgan gapning noto’g’riligini belgilash, unga aytilgan fikrning

qaysi o’rnida xato qilinganligini aytish va keyingi safar xatoni tuzatish haqida hech qanday axborot olmaydi (agar u yana shu gapdan foydalanadigan bo’lsa) xuddi shunday ijobiy tasdiq gapda ishlatilgan grammatik tuzilma nimasi to’g’ri ekanligi haqida axborot bera olmaydi. Biz yana muammoga duch kelamiz. Bola qanday qilib tovushlar va ma’nolar o’rtasidagi kerak to’g’ri aloqalarni o’zlashtiradi, so’z va so’z turkumini ma’lum ma’no beradigan tartibga soladigan tamoyillarini o’rganadi.[9]

Shu borada, aytish lozimki, ota-onalar ko’pincha o’z bolalarining nutqidagi gaplarning grammatik to’g’ri yoki noto’g’ri ekanligiga e’tibor berishmaydi. Ularni ko’proq gap tuzilmasi emas, balki bola nima demoqchiligi qiziqtiradi. Garvard universitetida faoliyat ko’rsatuvchi Goduer Braun yoshi 1,5 dan to’rtgacha bo’lgan uch bolani nutqini tadqiq qildi. Bir necha yillar mobaynida har haftada ona va bola o’rtasidagi so’zlashuv diktafonga yozib olindi. O’zining tadqiqotida Braun va uning hamkasblari to’plangan material asosida ona va bola orasida grammatik nutqni tahlil qilishga kirishdilar. Shu tariqa Braun asosiy e’tiborni bolaning gapi ona tomonidan ma’qullangan yoki ma’qul ko’rmaslik vaziyatlarga qaratdi. Bolaning grammatik savodxonligi rivojlanishida ota-onalarni ta’siri yo’qligi ayon bo’ldi. Xulosa qilib Braun: “Qanday holatlar bola bildirgan fikrni ota-ona tomonidan ma’qullash yoki ma’qullamaslikka olib keladi? Ba’zan, ota-onalar so’z tanlashdagi qo’pol xatolarni to’g’irladilar. Masalan, Eva what the guy idea! (Naqadar qo’rqitadigan fikr!) deganida ayrim vaqtlarda so’z aytilishidagi xatolarga ham e’tibor berildi. Ammo ko’p hollarda aytilgan fikrni ma’qullash yoki ma’qullamaslik sabablari, jiddiy qilib aytganda, til bilan bog’liq emas edi, Eva o’zining “mening onam-qizaloq” degan fikrini bildirganda, uning onasi “To’g’ri” dedi. Bolaning fikri grammatik jihatdan noto’g’ri bo’lsa ham, ona gapni mantiq jihatdan ma’qulladi.

Demak, ota-onalar tomonidan, asosan, gapning sintaksis jihatdan mukammalligi emas,

balki haqiqiyliги tasdiqlanishga turtki bo'ladi. Bundan paradoksal bir holat kelib chiqadi: yoshi katta odamning nutqi grammatik jihatdan to'g'ri bo'lsa-da, har doim ham haqiqatni bildirmaydi. [8]

Bolalar yangi til shakllarini ota-onasining nutqidan, ularga taqlid qilib o'zlashtiradi, bola yangi narsani eshitib, uni takrorlaydi va bu orqali yangi ma'lumotga ega bo'ladi. Bu jarayon bola mustaqil fikrlay olib, nutqini bexato shakllantira oladigan bosqichgacha davom etadi. Til o'zlashtirishni oddiy modeli bo'yicha bola so'zlarni eshitib, assotsiatsiya orqali o'zining nutqida bir-birisi bilan bog'liq bo'lgan so'z bo'g'inlardan foydalanadi.

Bola ishlab chiqishi lozim bo'lgan qoidalar chuqur grammatik tuzilmalarga tegishli bo'lib, yuzaki tuzilmalarda o'z ifodasini topishi lozim. Aytilgan fikrni yuzaki tasnifi bilan bog'liq psixologik nazariyalar til axborotini katta ishlash jarayonini tushuntirishga qodir emas. Til o'zlashtirish nazariyasining adekvat shakli hali yo'q. Hozirda mavjud bo'lgan an'anaviy psixologik nazariyalar bu muammoni uzil-kesil yecha olmaydi. Yaqin kelajakda bahs va tadqiqotlar psixologiyada katta o'zgarishlarga sabab bo'ladi. Buni natijasida inson psixologik tabiatini murakkab tasviri paydo bo'ladi. Uning negizida murakkab tug'ma aql tuzilmalari yotadi va ular ko'p borada rag'bat va ta'sirlanish o'rtasidagi aloqa bilan chambarchas bog'liqdir.

Bu borada til qobiliyati gapni semantik izohini uning akustik-fonetik shakli bilan bog'laydigan qoidalar tizimi sifatida tushuniladi. Boshqacha qilib aytganda, sintaktik-bu tovush va ma'nolarning munosabatdoshligini belgilovchi isbotdir. Bunaqa model bizni juda jiddiy psixologik muammolarga to'qnashtiradi aytilgan fikrni ma'nosi biz eshitadigan ifoda qilinmagan bo'lsa, unda psixologiya juda murakkab bo'lgan ichki fikrlash tuzilmalar nazariyasini ishlab chiqishi lozim, ular gapni paydo bo'lishi va tushinilishiga imkon beradilar. Bu nazariya faqat kuzatishga mumkin bo'lgan narsalarga asoslanmaydi, chunki kuzatiladigan xulqda nutq jarayonlari haqida

to'liq axborot mujassamlanmaydi. Va rivojlanishni o'rganuvchi psixologlar bolalarning nutq o'rganishi jarayonini har xil atamalar orqali ifodalashi mumkin emas, chunki bola har xil mulohazalar yig'indisi bilan emas, balki mulohazalarni ishlab chiqish uchun qoidalar tuzishni o'rganib oladi. Bu yerda biz asosan transformatsion grammatikani sintaktik belgisi haqida so'z yuritdik. Biz gapning chuqur va yuzaki tuzilmalari haqida gapirdik. Bu grammatika ya'ni ikki komponentdan iborat bo'lib, ular haqida ko'p to'xtalib o'tirmaymiz. Birinchidan, bu fonologik komponent, u yuzaki tuzilmalarni aytilgan fikrlarni tovush shakliga soladi. Ikkinchi asosiy semantik komponent hozir ham qoniqarli ta'rifga ega emas. Bu komponent chuqur tuzilmalarni ma'nolar bilan bog'laydi. Semantikaga oid savollar hozirgi kunda transformatsion grammatikada katta muzorakalarga sabab bo'lmoqda. Shubhasiz, sintaktik va semantika o'rtasidagi aloqa tilshunoslikda keyingi yillarda yangi tadqiqotlarning diqqat markazida bo'ladi. So'zimizning oxirida taniqli tilshunos Xomskiyning transformatsion grammatikani mohiyati haqida bildirgan fikrini keltirishni lozim topdik. Bu ta'rif, bizning fikrimizcha, barcha insoniyat tillariga mansub. [10]

Qisqa qilib aytganda, psixolingvistlarni inson yoshligidan tilni o'zlashtirib va keyinchalik foydalanilishini belgilovchi katta va teran bilim hamda qobiliyatlar qiziqtiradi. Katta, teran bilim va qobiliyatlar deganda- bu til va inson bilimining boshqa tizimlari yuzasidan tegishli hukm chiqarishdan oldin, uni chuqur tahlil qilamiz. Shu sababdan psixolingvist oldida boshqa bir olim singari, bitta muammo turadi- bu esa kuzatilayotgan faoliyatning belgilovchi omillarini tushuntiradigan teran tuzilma va jarayonlarni asoslaydi.

Hozirgi zamon tilshunoslikning grammatika sohasidagi tadqiqotlari o'z navbatida psixologiyaga katta ta'sir ko'rsatdi. Ular nazariy eksperimental jihatdan o'rganish psixologiyasini boyitib, psixolingvistikaning keyingi taraqqiyotida muhim omilga aylandi.

---

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. -T.: "O'zbekiston", 2017.
2. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. T.: 2016.
3. "Психология" қисқача изоҳли луғат. Т. 1997.1979.
4. Almatov T., Yadgorov Q., Pochayeva G.O'zbek tili o'qitish metodikasi (metodik qo'llanma). - Jizzax 2006.
5. G'ulomov A, Qodirov M, Ona tili o'qitish metodikasi. Universitet" nashriyoti.T.: 2001.
6. Гозиев Э. «Тафаккур психологияси». Т., 1990 й.
7. Каримова В.М. Психология. Т. 2000
8. Леонтьев А.А. Психоллингвистика. Л., 1967.
9. Xudaybergenova G.«Eksperimental psixologiyasi» bo'yicha o'quv uslubiy majmuasi. Nukus 2012.
10. I.Azimova, "Ona tili ta'limida lisoniy malakani rivojlantirishningpsixolinvistik asosi.

# ALISHER NAVOIY – NODIRABEGIMNING MA'NAVIY USTOZI

Nurutdinova Malikaxon Sharabovna

Toshkent davlat agrar universiteti, O'zbek tili va adabiyoti o'qituvchisi  
Elektron pochta: malika122yun@gmail.com

**Annotatsiya :** Ushbu maqolada Alisher Navoiy Nodirabegimning ma'naviy ustoziligi haqida so'z boradi. Navoiy o'z davrining buyuk mutafakkiri, so'z ustasi. Nodiraning g'azallarida Navoiyning siymosi borligi, uning asarlariga qiyoslab g'azallar yozgani. Shoironing ijodiy kamol topishida hech shubhasiz Alisher Navoiyning o'rni beqiyosligi. Alisher Navoiy ijodining asosini insof va adolat, mehnat va ma'rifat, muruvvat va shafqat, himmat va saxovat, sevgi va sadoqat, razolat va jaholat mavzulari tashkil etadi. Alisher Navoiyning ijodidagi shunday xislatlar Mohlaroyim (Nodira) ham ijodida o'z ifodasini topgani misollar orqali tahlil qilinishi haqida fikr keltiriladi.

**Tayanch so'zlar:** lirika, junun, andishada, hasrat, nadomat, nola, masjid, hammom, karvonsaroy, so'z, minnat, qahramon, mahorat.

Mohlaroyim Nodira o'z ijodida o'tmishda yashab ijod etgan bir qancha shoirlarni ijodi bilan qiziqqan. Firdavsiy, Jomiy, Hofiz, O'toyi, Navoiy, Bobur, Fuzuliy, Bedil kabi buyuk insonlar ijodiga havas bilan qaraydi va ularni o'ziga ustoz deb biladi. Shoironing ijodiy kamol topishida hech shubhasiz Alisher Navoiyning o'rni beqiyosdir. Alisher Navoiy ulug' lirik shoirdir. Uning ijodini asosini insof va adolat, mehnat va ma'rifat, muruvvat va shafqat, himmat va saxovat, sevgi va sadoqat, razolat va jaholat mavzulari tashkil etadi.

Alisher Navoiyning ijodidagi shunday xislatlar Mohlaroyim (Nodira) ham ijodida o'z ifodasini topgan. O'zbek mumtoz adabiyotining ikkala vakili ham zullisonayn ( ikki til egasi). O'zbek va fors-tojik tillarda ijod etishgan. Ikki tilda ijod qilgan shoira o'zbek va fors-tojik tillarida "Komila", "Nodira" va "Maknuna" (Yashirin) taxalluslari bilan ijod qilgan. Nodira Navoiyning lirikasiga hamohang g'azallar bitdi.

Navoiydan:

Qilur jununi qadah man'ini manga zohid,  
Degaymu telbaga bu so'zni bo'lmasa ablah.

Nodiradan:

Sho'ru g'ovg'osi chununi man digar,  
G'ulg'uli ro'zi qiyomat digar ast.

Tarjimasi:

(Jununimning to'polon, g'avg'osi bo'lak,  
qiyomat kunining vahimasi boshqacha.)

Bu baytlarda bir necha so'zlar o'xshashligini, mazmun va ma'nosini yaqinligi ifoda etilgan. Junun aqldan ozganlik, telbalikka qiyoslash, jinniga o'xshab so'zlashishini ifodalaydi.

Nodiradan:

Dilim andesha, aqlam yodi o' dosht,  
Chunun bar bodi hasrat dod in du. [176-bet]

Tarjimasi:

Nodira dilim andishada, aqlim uning yodi bilan edi, bu ikkovi jununimni hasrat shamoliga ushiradi deb his- tuyg'ularini, qayg'ularini oshkor qiladi.

Nodiradan:

Meni jununima Majnunni bermangiz nisbat,  
Qilurmu xoru xashak tobi shu'lai g'ayrat.  
[160-bet] 1326

O'zbek she'riyati antologiyasi O'zadabiynashr,  
Toshkent-1961 yil

Navoiyning mansab va shon-shuhrat emas, balki el-yurt uchun xizmat qilish qiziqtirar edi. U mamlakatni xarob qiluvchilar bilan keskin kurashdi. Obodonlashtirish va madaniy hayotga xizmat qildi. Navoiy tashabbusi bilan juda ko'p va xilma-xil binolar qurildi.

Nodiradan:

Ba g'urbatam chu vatan rohate buvad, aknun  
Zi nolaxoi dili zoru beqaror chiy minnat.

Nodira g'aribligim mening vatandek rohatdir endi zoru beqaror ko'nglimning nolasidan ne minnat?- deb oshyonini sevishini bildiradi. 55-bet (2388 Komila-Nodira) II-kitobidan.

Nodira o'z vatanini sevdi, madaniyat va adabiyot homiysi sifatida yuksaldi. U gulistondek Chahorchaman bog'iga borib, Farg'ona, Toshkent, Xo'jand, Andijon va boshqa shaharlardan fozillar, olimlar, xattotlar, naqqoshlarni o'z xizmatiga chaqirtirib keldi. Mamlakat xirojlaridan behisob tilla va javohirlarni sarf qilib bir madrasai oliy, naqshdor masjid, hammom, karvonsaroy bino qildirdi va madrasa, masjidlarga hisobsiz vaqflar tayin qildi... Bu kunlarda yana kitoblar yozdirish va ularga zebi ziynat berishga farmon qilib, bir kitobxon bino ettirdi. Undagi kotiblar, xattotlar, naqqoshlarga

shunday karam va ehsonlar ko'rgizdiki, buning ovozasini atrof olamga mashhur bo'ldi. "Ma'naviyat yulduzlari" (Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, Toshkent, 1999) kitobidan olindi.

Bundan ko'rinib turibdiki qilgan barcha ishlarida ham Alisher Navoiy bilan bir xillik mavjud.

Nodira Navoiyning "Xamsa" asaridagi dostonlardagi obrazlarga g'azallar yozgan. O'xshatmalar, qiyoslashlar bitgan.

Qissai Farhodu Machnun shud muqarar, ba'd az in,

Dar dili ahli vafo afsonai man yod bod!

Tarjimasi:

(Farhod bilan Majnun qissasi ko'p takrorlandi, bundan so'ng vafo ahllarining dillarida mening afsonam yod bo'lsin.) [95-bet] (Nodira-Komila)

Shavad xokistaru gardad g'ami Layli faromushash,

Ba Majnun gar namoyam surati holi tabohi xud.

Tarjimasi:

(Agar baxti qaroligimni Majnunga aytsam, U yonib kul bo'ladi va Layli gamini unutadi.)

[89-bet] (Nodira-Komila)

Nodira:

Didam on Lalinab, Majnuniyam shud oshkor,

Surati Shirin zi yodi Ko'hkan gul kardu rext.

Tarjimasi:

(Ul Lalinabni ko'rdimu, Majnunligimni oshkor bo'ldi,

Shirinning surati Farhodning yodidan chiqib ketti). [52-bet] (Nodira-Komila)

Nodira ustozining asarlarini varaqlaganda ilhom shamoli esadi. Har qanday asarning lirik qahramoni- shoirning o'zidir, ruhiy kechinmalar, his-tuyg'ular, nolish, adolatsizlik va insofsizlikni qoralash asosiy motivlardan.

Navoiy lirikasida mutafakkir, faylasuf, oshiq, yor, raqib, shayx, zohid, podshoh kabi lirik obrazlar bor. Shayx, zohid, podshohlar salbiy obrazlardir. Aynan Nodiraning ijodida ham shunday qahramonlar ham bor.

Berur g'urur ila oroyishi fashi dastor,

Ki xudnamolig' erur zebi korxonai shayx.

Shayx o'zini barchadan ustun ko'rib, o'zini tubanligini namoyish etishini boshqalarga past nazarda qarashini ustalik bilan ifodalaydi.

Xomush etarman ani bir sharori ox ila,

Agarchi tez erur o't kabi zabonai shayx. [244-bet] J. Lapasov

Shayxlarning qiliqlaridan xomush bo'lishi, ohu fig'oni, faryodlari, tillarini o'tkirligidan noliydi. Nodira vatanga, xalqqa sadoqat bilan chin yurakdan xizmat qilishga undaydi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 1326. O'zbek she'riyati antologiyasi o'zadabiynashr, Toshkent-1961 yil.
2. "Ma'naviyat yulduzlari" (Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, Toshkent, 1999) kitobidan olindi.
3. J. Lapasov Mumtoz adabiy asarlar o'quv lug'ati "O'qituvchi" nashriyoti 1994 yil.
4. Nodira-Komila II-kitobi Toshkent-2004 yil
5. 1349. Laziz Qayumov "Qo'qon fozillari" Qo'qon 2006-yil 16 bet
6. 1474. Po'latjon Qayumov "Qo'qand tarixi va uning adabiyoti" Toshkent 2011-yil 380 bet
7. 1050. Uvaysiy Devon O'zSSR Toshkent - 1963 yil 248 bet
8. 1559. Ummat To'ychiyev "O'zbek adabiyotida badiiylik" Toshkent - 2011-yil 508 bet
9. 196. Amiriy "Devon" O'zSSR Toshkent - 1972-yil 360 bet
10. 1326. O'zbek she'riyati atologiyasi O'zSS Toshkent 1961-yil 440 bet
11. 2277. B.A. Abdullayeva O'zbek adabiyoti tarixi Toshkent - 1964-yil 384 bet
12. 2339. M. Qodirova "Nodira" O'zSSR Toshkent - 1965-yil 101bet
13. 2388. Mahbuba aya Qodirova Nodira-Komila Toshkent - 2004-yil 208 bet

# СВОЕОБРАЗИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ДИСЦИПЛИНЫ «РУССКИЙ ЯЗЫК И КУЛЬТУРА РЕЧИ» В АГРАРНОМ ВУЗЕ

Умарбекова Г. А,

преподаватель кафедры, «Узбекского языка и литературы» ТашГАУ.

**Аннотация.** В данной статье анализируются исследования особенностей преподавания дисциплины «Русский язык и культура речи» в аграрном вузе. Основным выводом данного исследования является то, что изучение дисциплины «Русский язык и культура речи» в аграрном вузе важный этап обучения современного специалиста.

**Ключевые слова:** русский язык, культура речи, преподавание дисциплины, методы преподавания.

В современное время, в котором происходят процессы интеграции, глобализации перед высшей школой не может стоять задача подготовки только узкого специалиста. Выпускник высшего учебного заведения должен владеть многими навыками, чтобы быть конкурентоспособным на рынке труда, в том числе навыками разговорной речи и письма в профессиональной области; навыками грамотного письма и говорения.

Требование в грамотных специалистах продиктована временем. В условиях повсеместного распространения разговорной речи появляются негативные тенденции: в языке закрепляются грамматические ошибки в качестве образцов предложений, орфоэпические ошибки, нарушается словоупотребление, стираются стилистические границы. Поэтому хорошему агроному, инженеру, зоотехнику, ветеринару отнюдь не лишним будет иметь высокий уровень речевой культуры, как и любому другому специалисту.

В итоге изучения курса «Русский язык и культура речи» студент должен получить основные сведения о речевой коммуникации, о способах организации эффективного речевого общения. Студент, освоивший курс, должен обладать навыками совершенствования своей устной и письменной речи, прежде всего в профессиональной сфере, знать критерии оценки правильности речи, владеть трудными нормами произношения, ударения, грамматики, а также уметь продуцировать профессионально значимые тексты.

Учебная программа дисциплины

«Русский язык и культура речи» включает три основных модуля:

1. Культура речи и нормы русского литературного языка.

2. Уместность речи и культура речевого продуцирования.

3. Культура речевого общения.

Главное внимание при изучении дисциплины уделяется таким важным сферам речевого общения, как научная и официально-деловая. Упражнения и задания составлены таким образом, чтобы в них было много лексики аграрного профиля. Например, задания по акцентологическим нормам: поставьте ударение в словах агроинженерия, агрономия, ветеринария, комбайнер, свекла, зубчатый, гусеница и под. При изучении жанров официально-делового стиля акцент делается на составлении документов, необходимых в процессе учебы в вузе, а потом и в работе: заявление, договор, объяснительная, резюме, докладная записка, деловое письмо и др.

Для достижения образовательных целей при проведении занятий используются как традиционные формы работы, так и интерактивные методы: ролевая игра, проектная деятельность, обучение в сотрудничестве и др.

Ролевая игра – это интерактивный метод, который позволяет обучаться на собственном опыте путем специально организованного и регулируемого проживания жизненной и профессиональной ситуации, превращает обучение в творческую лабораторию самообразования, это речевая, игровая и учебная деятельность



одновременно. Ролевая игра позволяет обучающимся применять полученные знания для решения практических задач, повышает их мотивацию.

Проектная деятельность относится к разряду инновационной, так как предполагает преобразование реальности, строится на базе соответствующей технологии, которую можно унифицировать, освоить и усовершенствовать. Цель проектной деятельности – понимание и применение обучающимися знаний, умений и навыков, приобретенных при изучении различных предметов (на интеграционной основе).

Основная идея обучения в сотрудничестве – создать условия для активной совместной учебной деятельности обучающихся в различных учебных ситуациях.

Как вызвать у студентов аграрного вуза интерес к изучению дисциплины «Русский язык и культура речи»? Ответ очевиден: необходимо сделать процесс обучения ярким, занимательным, неформальным.

Всем известно, что посредством игры человек в раннем детстве познаёт мир, ведь именно игра активизирует процесс познания

окружающей действительности, развивает творческие способности ребёнка, помогает ему проявить свои лучшие стороны в коллективной работе.

Игра помогает студентам понять процессы, происходящие в русском языке, хорошо запомнить нормы и уметь применять их на практике, учит анализировать свою речь и речь окружающих, работать с основными словарями, в которых отражаются нормы русского литературного языка, расширяет кругозор и словарный запас студентов. Игра несёт и большой эмоциональный заряд, формирует такие качества творческой личности, как инициативу, целеустремлённость, умение быстро находить верное решение.

Таким образом, подводя итог, необходимо отметить, что изучение дисциплины «Русский язык и культура речи» в аграрном вузе важный этап обучения современного специалиста. Для того чтобы процесс обучения сделать ярким, занимательным, неформальным необходимо наряду с традиционными занятиями применять в работе элементы игровых технологий.

### **Использованная литература:**

1. Воронов Ю.С., Любезнова Н.В. Российское Академическое красноречие. Саратов, 2016. 85 с.
2. Арутюнов А.Р. и др. Игровые задания на уроке русского языка.— М., 1989.
3. Садилов И.В. Игровая деятельность при изучении языковых норм на занятиях по русскому языку и культуре речи // Аграрная наука в XXI веке: проблемы и перспективы. Сборник статей Всероссийской научно-практической конференции. Саратов, 2017. С. 270-271.

**Muassis:**

Toshkent davlat agrar universiteti

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligining "Ilmiy maqolalarning milliy iqtibos indeksini va ilmiy nashrlarning bibliografik ma'lumotlar bazasini o'z ichiga olgan platformasi"ga kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2021-yil 24-iyunda 1191-sonli guvohnoma bilan qayta ro'yxatdan o'tkazilgan.

Jurnal respublika bo'yicha tarqatiladi, sotuvda kelishilgan narxda. Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanilganda "Agro Inform" jurnalidan olindi, deb ko'rsatilishi shart. PR belgisi bilan berilgan maqolalar tijorat maqolalari hisoblanadi.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2181-2411 (Print)  
ISSN 2181-2519 (Online)

Veb-sayt: agro-inform.uz  
Telegram: agroinform\_uz  
E-mail: agroinform@mail.uz

Nashr indeksi: 1020

Tahririyat manzili:  
100140, Toshkent viloyati,  
Qibray tumani, Universitet  
ko'chasi, 2-uy.  
Tel/faks: +99895 195-52-52.  
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Inform" MChJ  
kompyuter markazida  
sahifalandi:  
28.03.2023-yil  
Ofset usulda chop etildi:  
30.03.2023-yil  
Guvohnoma raqami: №990721  
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>.  
Buyurtma № 02.  
Adadi: 200 nusxa.

Manzil:  
Toshkent viloyati, Qibray  
tumani, Universitet ko'chasi  
2-uy

# MUNDARIJA

<b>Ташматов А. А.</b> Решение проблем самофинансирования и коммерциализации вуза в разитии и внедрении бизнес инкубирования .....	1
<b>Б. Насириллаев, С. Худжаматов, Ш. Абдулазизов, С. Ўсербоева.</b> Тут ипак куртининг хориж зотлари ва улар асосида олинган селекцион тизимларнинг тухум махсулдорлиги .....	8
<b>Д. Махмудов.</b> O'rim-yig'im mashinalari uchun faol dala bo'lgich moslamasi .....	12
<b>М. Джумашев, Х. Ахмедова, С. Рахманкулов.</b> Наследование устойчивости к расе «а» вертициллёзного вилта реципрочных F <sub>3</sub> гибридов хлопчатника на искусственно заражённых расами фонах .....	15
<b>А. Мамарузиев, Э. Каримов, А. Ахмеджанов, А. Азимов.</b> Создание новых тонковолокнистых сортов хлопчатника вида (g.Barbadensel.) .....	19
<b>Р. Кенжаев.</b> The role and importance of environmental control in the use and protection of agricultural land .....	26
<b>Р. Пиримқолов, Н. Хамраева.</b> O'simlikchilik mahsulotlari, ularni yetishtirishda innovatsiyalarning nazariy asoslari va tasniflanishi .....	33
<b>Г. Рейпназарова.</b> Развитие корневой системы кизила .....	42
<b>Рашидова Д. К, Назаров Х. К, Садуллаев Н. С.</b> Махсар (carthamus tinctorius l.) уруғларининг уруғлик сифатига полимер шакли препаратлар таъсири .....	46
<b>И. Белопипов, А. Исламов, Ш. Абдурасулов, Э. Латыпова.</b> Опыт интродукции травянистых дикорастущих Растений флоры Узбекистана в Ташкенте .....	48
<b>Бекбанов Б, Нагыметов О, Жолдасова Г. М.</b> Зимостойкие образцы озимой пшеницы .....	53
<b>Абдурахмонов О. Х, Ражабов А. Н.</b> Технологические свойства зерна отечественных сортов пшеницы.....	55
<b>U. Orifjonova, O. Qoraboshev, B. Tojiboyev.</b> Dalalarning aerofotosuratleri, ular asosida obyektlarni identifikatsiya qilish uchun noravshan mantiqdan foydalanish .....	61
<b>N. Mamasoliyeva.</b> Tilni o'zlashtirish nazariyalari .....	66
<b>Nurutdinova M. Sh.</b> Alisher Navoiy – Nodirabegimning ma'naviy ustozlari .....	70
<b>Умарбекова Г. А.</b> Своеобразие преподавания дисциплины «Русский язык и культура речи» в Аграрном вузе .....	72